

Коррупцияга қарши биргаликда курашамиз.

Коррупция иллати давлатнинг турли соҳаларига, хусусан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳамда мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси ва инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди”.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши қурашиш ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган қатор меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалий ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Хусусан, Республикамизда коррупцияга қарши қурашишнинг хуқуқий механизми яратилган ҳолда 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши қурашиш тўғрисида”ги Конуни қабул қилиниб, шу асосида бир қатор меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши қурашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармон асосида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши қурашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид хукуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шартшароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши қурашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида Коррупцияга қарши қуаш Агентлиги ташкил этилди.

Шунингдек, мазкур Фармон асосида қуйидаги чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш белгиланлиги аҳамиятлиdir, хусусан:

- 2020–2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”) ни босқичма-босқич жорий этиш;

- давлат ҳокимиюти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи E-Anticor.uz электрон платформасини жорий этиш;

- коррупция ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш имконини берувчи маҳсус мобил дастурий таъминотни жорий этиш.

Хорижий амалиёт таҳлили шуни қўрсатдики, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа замонавий усулларга мувофиқ самарали фаолият юритишни таъминловчи муҳим воситалардан бирини ўз таркибида коррупцияга қарши курашиш комплаенс-назорат (compliance control) тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Коррупцияга қарши комплаенс-назорат – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида ҳам Коррупцияга қарши курашиш комплаенс-назорат тизими жорий этилиб, алоҳида штатлар ажратилди ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинди.

Хусусан, корхонанинг “Коррупцияга қарши курашиш сиёсати” тасдиқланган бўлиб, унда корхонада ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, яъни ходимлар орасида ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида ходимларнинг юксак хулқ-атвор меъёрларига содиқлигини, шунингдек корхона ходимлари фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга муросасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликка доир позицияси ифодалаган.

Мазкур сиёсат талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган вазифасидан қатъий назар барча ходимлар учун бирдек амал қилиши, ҳар бир ходим коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши ва коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни олдини олиши шартлиги, тизимга ишга кирган ҳар бир ходим мазкур сиёсат билан танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбурлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, юқорида таъкидлаб ўтилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли Фармонининг 3.8-бандига кўра ҳамда ҳалқаро талаблардан келиб чиқсан ҳолда корхонада ISO 37001:2016 ҳалқаро стандартини жорий этиш борасида тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишлар олиб борилмоқда.

ISO 37001:2016 – бу корхонада коррупцияга қарши курашнинг самарали тизимини яратишнинг ҳалқаро усулларини ўзида жамлаган, коррупцияга қарши муқаммал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган ҳалқаро стандартdir.

Мухтасар қилиб айтганда, коррупция — тараққиёт кушандаси, хавфсизликка таҳдид туғдирувчи хавфли жиноят. Бу иллатга қарши курашиш барчанинг вазифаси бўлиши зарур. Шундагина биз ушбу хавфни бартараф этган бўламиз.

**“Давлат белгиси” ДУК
Бош директори
Б.Ж.Жумаев**